

Мавзу: Қишлоқ хўжалигида мулк шакллари ва уларнинг турлари

РЕЖА:

1. Мулк ва тадбиркорлик ҳақида тушунча, унинг иқтисодий негизи, шакллари.
2. Қишлоқ хўжалигидаги давлат корхоналари, уларнинг ривожланиши.

Таянч иборалар:

Жамоа, давлат, хусусий, шахсий ва қўшма мулклар, давлат, ширкат хўжалиги, ер ижараси муддати, оптималлаштириш, фермерликнинг ривожланиши (сони, ер майдони, ишлар сони, йетиштирилаётган маҳсулотлари) фермерликни ташкил этиш даври, унинг самарадорлиги, харажат, ялпи пул даромад, соф фойда, бозор инфратузилмаси, оила таморқа хўжаликлари, қўшма корхоналар.

1. Мулк ва тадбиркорлик ҳақида тушунча, унинг иқтисодий негизи, шакллари.

Қишлоқ хўжалиги ўзининг асосий мақсадига эришиш учун тармоқда тадбиркорлик фаолиятларини амалга оширилишини тақозо этади. Тадбиркорлик - мулкчилик субъектларининг қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириш, уларни қайта ишлаш ва сотиш ҳамда хизматлар кўрсатиш натижасида фойда ёки даромад олишга қаратилган ташаббускорлик билан фаолият кўрсатишидир. Бозор иқтисодиёти шароитида тадбиркорлик қишлоқ хўжалигида ҳам юридик, ҳам жисмоний шахслар томонидан амалга оширилади. Бу жараёнда улар Ўзбекистон Республикасининг «Мулк тўғрисида»ги, «Корхоналар тўғрисида»ги ҳамда «Тадбиркорлик тўғрисида»ги ва бошқа қонунлари талабларига қатъий риоя этишлари зарур. Улар фаолиятларини самарали амалга оширишлари учун мустаҳкам иқтисодий негизга эга бўлишлари керак. Уларнинг иқтисодий негизини эса мулк ташкил этади. Мулк Ўзбекистон Республикасида “Мулк тўғриси”даги қонунга биноан қуйидаги шаклларда бўлиши мумкин:

-Хусусий ҳамда шахсий мулк. Бу шаклдаги мулк эгаси ўз мол-мулкига хусусий, шахсий тарзда эгалик қилиш, ундан фойдаланиш ва уни тасарруф этиш ҳуқуқларига эгадир. Хусусий мулк мулкдорнинг ишлаб чиқариш жараёнида ўз меҳнати ва ёлланма меҳнатни қўллаши орқали шаклланади. Шахсий мулк унинг

эгасининг шахсий меҳнат қилиши натижасида ташкил топади. Уларга шахсий ва оила мулки ҳисобланган фермер, деҳқон хўжаликларининг мулки киради.

-Ширкат (жамоа) мулки. Бу мулк таркибига қишлоқ хўжалигида жамоа корхоналарининг, ширкат хўжаликларининг, ижара корхоналарининг ҳамда бирлашмаларнинг мулклари киради.

-Аралаш мулк. Бу мулк турли хилдаги мулкчилик шакллариининг ўзаро манфаатли уйғунлашиши натижасида шаклланади. Жумладан, республика қишлоқ хўжалигидаги жамоа, ширкат ва давлат мулкчилигига асосланган хўжаликларнинг чет эллардаги корхоналар билан бирикиб фаолият юритиш мақсадида ташкил этган қўшма корхоналарнинг мулки.

Давлат мулки. Қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариши билан шуғулланадиган давлат корхоналарининг мулкидир.

Бошқа давлатлар ҳамда халқаро ташкилотлар, юридик ҳамда жисмоний шахслар мулки. Мулкчиликнинг бу шаклига асосланган ҳолда чет давлатлар, халқаро ташкилотлар, юридик ҳамда жисмоний шахслар қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши билан шуғулланадиган мустақил корхоналарни ёки ўз бўлимларини, ваколатхоналарини ташкил этишлари мумкин.

Демак ҳозирги даврда қишлоқ хўжалигида амалдаги қонунлар талабларига биноан мулкнинг қуйидаги шакллари фаолият кўрсатмоқда:

- Давлат мулки;
- Жамоа мулки;
- Хусусий мулк;
- Аралаш (қўшма) мулк.

Қишлоқ хўжалигидаги тадбиркорларнинг мулккий ҳуқуқ объектлари қуйидагилар ҳисобланади:

- бино ва иншоотлар, уй-жойлар;
- куч ва ишчи машиналар, жиҳозлар;
- транспорт воситалари, асбоб-ускуналар;
- ҳисоблаш, компьютер техникалари;
- ишлаб чиқариш ва хўжалик инвентарлари;
- ишчи ва маҳсулдор ҳайвонлар;
- кўп йиллик дарахтлар (боғлар, тоқлар, тутлар);
- йетиштирилган барча турдаги маҳсулотлар;
- пул маблағлари, қимматли қоғозлар;
- ёнилғи, ёқилғи ва ёғловчи материаллар;
- маҳаллий ва минерал ўғитлар, кимёвий воситалар;
- ем-хашак, озуқа, кўчат, уруғликлар;
- ишчи-хизматчиларнинг интеллектуал қобилиятлари...

Тадбиркорлар ўз ишлаб чиқаришини ривожлантириш учун четдан ўзгаларнинг маблағларини ҳам жалб этишлари мумкин. Тадбиркорларнинг мулкка эгалик қилиш ҳуқуқи, уни ташкил этиш ҳамда ундан фойдаланиш масалалари Ўзбекистон

Республикасининг Конституциясида, «Мулк тўғрисида» ги қонун ва бошқа қонунларда батафсил ёритилган.

Мавжуд бўлган ҳуқуқий ва меъёрий ҳужжатларга асосланган ҳолда аграр-иқтисодий ислохотларни босқичма-босқич амалга ошириш жараёнида республика қишлоқ хўжалигида турли мулкчиликка асосланган тадбиркорликнинг қуйидаги шакллари фаолият кўрсатмоқда:

➤ давлат, жамоа ва кооператив (ширкат)ларнинг мол-мулкларига эгалик қилиш, улардан фойдаланиш асосида бир гуруҳ фуқаролар ва юридик шахслар томонидан амалга оширилаётган жамоа тадбиркорлиги;

➤ фуқаро шахсий ва хусусий мол-мулки асосида ёлланма, шахсий меҳнатга асосланган ҳолда амалга оширилаётган тадбиркорлик, оила-таморқа ва деҳқон фермер хўжалиги тадбиркорлиги.

➤ жисмоний ва юридик шахсларнинг (республика ҳамда хорижий давлатларнинг) мол-мулкларини қонунларда белгиланган тартибда жалб этиш асосида амалга оширилаётган ҳамкорликдаги тадбиркорлик (қўшма корхоналар).

Ҳозирги даврда мамлакат қишлоқ хўжалигида фаолият кўрсатаётган тадбиркорлик шаклларининг энг муҳимлари қуйидагилардир:

- давлат хўжаликлари;
- ширкат хўжаликлари;
- агрофирмалар;
- фермер ва деҳқон хўжаликлари;
- қўшма корхоналар;
- сервис субъектлари;
- оила-таморқа хўжаликлари.

Келажакда қишлоқ хўжалик, сервис субъектлари, қайта ишлаш корхоналар фаолиятини уйғунлаштириш оқибатида агросаноат корхонаси, комбинати, мажмуаси ҳам барпо этилиши мумкин.

2. Қишлоқ хўжалигидаги давлат корхоналари, уларнинг ривожланиши.

Республика қишлоқ хўжалигида 1991 йилдан бошлаб сиёсий, иқтисодий ижтимоий аҳамиятга эга бўлган туб аграр-иқтисодий ислохотлар босқичма-босқич амалга оширилмоқда. Давлат бош ислохотчи бўлган бу жараёнда тармоқдаги давлат мулкчини унинг тасарруфидан чиқариш негизида нодавлат мулкчилиқни ва шунга асосланган нодавлат хўжалиқларини ташкил этишга асосий эътибор қаратилмоқда. Бунда ерга умуммиллий бойлик сифатидаги давлат умумхалқ мулкчилиги сақлаб қолинмоқда. Бошқа мулклар эса давлат тасарруфидан босқичма-босқич чиқарилиб, хусусийлаштирилмоқда. 1990 йилда давлат мулкчилигига асосланган хўжалиқлар, яъни совхозлар 1038 та эди. Улар Ўзбекистонда XX асрнинг 30-йилларида ташкил этила бошланган. Республиканинг Қарши ва Мирзачўл, Сурхон-Шеробод, Марказий Фарғона худудларида янги ерларни ўзлаштириш натижасида кенг миқёсда давлат хўжалиқлари ташкил

этилди. Давлат хўжаликлари – совхозлар ташкил этилишида давлат бюджетидан ажратилаётган маблағ эвазига ишлаб чиқаришни ташкил этиш ҳамда юритиш учун зарур бўлган барча ишлаб чиқариш воситаларини давлат томонидан ўрнатилган улгуржи баҳоларда сотиб олишарди. Улардан фойдаланган ҳолда фаолият юритиб, ишлаб чиқарилган тайёр маҳсулотларини давлат томонидан белгиланган харид нархларда давлат ташкилотларига сотар эди. Олинган ялпи маҳсулот ҳамда фойда суммалари давлат молия-иқтисод органлари томонидан ўрнатилган тартибда тақсимланарди. Бунда асосий эътибор давлат манфаатларини ривожлантиришга қаратилган, давлат хўжаликларига тўлиқ эркинлик, яъни мустақиллик берилмаган эди. Шунинг учун улар юқори ташкилотлар томонидан белгиланган қонун-қоидаларга бўйсунган ҳолда қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириш билан шуғулланар эдилар. Улар асосан пахтачилик, ғаллачилик, боғдорчилик, чорвачиликка ихтисослашган бўлиб, республикада йетиштирилаётган маҳсулотларнинг сезиларли қисмини ишлаб чиқарардилар. Бу хўжаликлар 1990 йилга келиб, республикада йетиштирилган ялпи қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг 37,5 фоизини етиштирдилар. Лекин улар иқтисодий негизи, фаолият юритиш мазмуни бўйича эркин бозор иқтисодиёти талабларига жавоб бермасди. Шунинг учун ҳам давлат мулкчилигига асосланган совхозлар негизида туб ташкилий, иқтисодий ислохотлар амалга оширилиши зарур бўлди. Ислохотлар жараёнида уларнинг негизида даставвал жамоа хўжаликлари (колхозлар), кейинчалик ширкатлар ҳамда мустақил фермер хўжаликлари ташкил этила бошланди.

Республика ҳукумати қишлоқ хўжалиги олдидаги муҳим вазифаларни эътиборга олган ҳолда бир қанча муаммоларни ўз зиммасига олган. Бунда давлат бош ислохотчи эканлигини исботламоқда. Ҳозирги даврда республика ҳукумати аграр сиёсатининг стратегик йўналишларини ҳамда тактикасини белгилаб, уни таъминлаш билан боғлиқ тадбирларни амалга ошириш чораларини кўрмоқда. Ҳукуматнинг асосий эътибори қишлоқ хўжалигининг барча соҳалари ягона фан-техника сиёсатига асосланган ҳолда ривожланишини таъминлашга қаратилган. Бу ниҳоятда муҳим муаммо ҳисобланади. Чунки фақат илм-фан, янги, самарали техника ҳамда илғор технология, инновациялар барча ютуқларнинг асосий негизидир. Бу муаммони ҳал этиш мақсадида республика ҳукумати қишлоқ хўжалигида давлат хўжаликларини сақлаб, уларнинг фаолиятларини диверсификация қилиб ривожлантиришга алоҳида эътибор бермоқда. Шу муносабат билан қишлоқ хўжалигида давлат илмий-ишлаб чиқариш бирлашмасининг янги маркази ташкил этилган. Марказ таркибида илмий-ишлаб чиқариш бирлашмаси ҳамда давлат хўжаликлари мавжуд. 2010 йилнинг бошига марказ таркибида 100 тага яқин давлат хўжаликлари фаолият кўрсатмоқда. Улар асосан давлат бюджетидан ажратилаётган маблағлар эвазига қишлоқ хўжалигининг ривожланишини таъминлайдиган қуйидаги илмий ғояларни яратиш, синаш асосида қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириш билан шуғулланмоқдалар:

- уруғчилик, наслчилик, кўчатчилик, янги, сермахсул, тезпишар навларни яратиш, уларни ривожлантириш ғоялари, муаммолари;
- ирригация-мелиорация ишларини ривожлантириш муаммолари;
- иқтисодиётда эркин бозор иқтисоди муносабатларини яратиш ва уларни чуқурлаштириш муаммолари;
- янги техника, илғор технологияларни яратиш, агротехника тадбирларини ривожлантириш ҳамда такомиллаштириш муаммолари ва бошқалар.

Аграр иқтисодий ислохотлар амалга оширилаётган даврда шаклланган давлат мулки ва уларга эгалик қилиш ҳуқуқи берилган давлат корхоналари давлат мулки асосида тўлиқ хўжалик юритиш ҳуқуқига эга. Корхона ўз мол-мулки билан тўла хўжалик юритиш ҳуқуқини амалга оширар экан, мазкур мулкка нисбатан ўз хоҳиши билан қонун доирасида фаолият юритади.

Қишлоқ хўжалигида фаолият кўрсатаётган давлат хўжаликларидаги меҳнат жамоаси аъзоларининг ҳам мол-мулки мавжуд. Бу мулк давлат корхонаси тугатиладиган бўлса, унинг бюджет, банклар олдидаги ва бошқа қарзлари тўланганидан сўнг корхонанинг меҳнат жамоасига берилади. Бу тартиб ҳам маълум даражада ислохотларнинг натижаси ҳисобланади.

Илмий марказ таркибидаги илмий-тадқиқот институтларида яратилаётган янгиликлар, инновациялар энг аввало давлат хўжаликлари ишлаб чиқаришида синалиб, сўнгра амалиётга татбиқ этиш учун тавсия қилинмоқда. Лекин ҳозирги даврда у хўжаликларга маҳсулот етиштириш борасида давлат буюртмалари берилмоқда. Бу ҳол уларнинг асосий фаолиятига салбий таъсир кўрсатмоқда. Шунинг учун келажакда уларни ўз вазифаларини бажаришга йўналтириш зарур. Қишлоқ хўжалигидаги давлат хўжаликлари ҳозирги даврда (2009 й.) тармоқда ишлаб чиқарилаётган ялпи маҳсулотнинг 1 фоизини бермоқда. Келажакда уларни фаолиятини янада ривожлантириш учун уларнинг моддий-техника асосини мустаҳкамлашга, малакали илмий кадрлар билан таъминлашга алоҳида эътибор бериш лозим.

Қисқача хулосалар

Қишлоқ хўжалигида амалга оширилган аграр-иқтисодий ислохотлар натижасида мулкчиликнинг жамоа, шахсий, хусусий ва аралаш мулкчилик шакллари босқичма-босқич барпо этилиб, муттасил ривожлантирилмоқда. Уларга асосланган тадбиркорлик турлари ташкил этилиб, ривожлантирилмоқда.

Тармоқда иқтисодиётни турли босқичларида жамоа мулкчилигига асосланган жамоа, қишлоқ хўжалиги кооперативлари, агрофирмалар, шахсий ва хусусий мулкчилик асосида фермер ва деҳқон хўжаликлари ва кичик корхоналар ташкил қилиниб, тараққий эттирилмоқда.

Республикада дон маҳсулотлари, пахта хом ашёси асосан фермер хўжаликларида, картошка, сабзавот, полиз ва чорвачилик маҳсулотлари деҳқон ва оила таморқа хўжаликларида ишлаб чиқарилмоқда.

Аралаш (қўшма) мулкчилик негизида қўшма корхоналар ташкил этилмоқда, лекин уларнинг ривожланиши ҳозирги даврда талабга тўлиқ жавоб бера олмайди.

Келажакда шахсий, хусусий ҳамда аралаш мулкчиликка асосланган корхоналарни ривожлантиришга эътиборни кучайтириш мақсадга мувофиқдир.

Назорат ва муҳокама учун саволлар

1. Тармоқда мулкчилик муносабатларининг ҳуқуқий асослари қайси қонунларда ўз аксини топган?
2. Қишлоқ хўжалигида мулкчиликнинг қандай шакллари мавжуд?
3. Қишлоқ хўжалигида қандай мулк субъектлари мавжуд?
4. Нималар корхоналарнинг мулк объекти ҳисобланади?
5. Жамоа, ширкат хўжаликлари ҳақида тушунча беринг.